

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ  
АУДИТИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Ядгарова Малика Лутпиллаевна  
ТДИУ “Бан ҳисоби ва аудити”  
кафедраси катта ўқитувчиси  
Email: [malika35@bk.ru](mailto:malika35@bk.ru)  
Тел: +998 903164400

АКТУАЛЬНОСТЬ АУДИТА КРЕДИТНОГО ПОРТФЕЛЯ  
В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Ядгарова Малика Лутпиллаевна  
ТГЭУ, старший преподаватель кафедры  
“Банковский учет и аудит”

RELEVANCE OF LOAN PORTFOLIO AUDIT IN COMMERCIAL BANKS

Yadgarova Malika Lutpillayevna  
Tashkent State University of Economics,  
senior lecturer of the department  
"Banking Accounting and Audit"

**Аннотация:** Мақолада тижорат банкларида кредит портфелини аудит қилишнинг зарурлиги, аудит дастурларини ишлаб чиқиш, маммоли кредитларни бартараф этишда аудитнинг муҳимлиги акс эттирилган. Кредит портфелини таҳлилий қисмлари бўйича аудити, муаммоли кредитлар, ва уларни бартараф этишда аудитнинг ролини ошириш усуслари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Банк, аудит, кредит, кредит портфели, риск, актив, ликвидлик, муаммоли кредит, мониторинг, аудит методлари, рентабеллик, аудит методлари, аудит хуносаси

**Аннотация:** В статье акцентируется внимание на необходимости аудита кредитного портфеля коммерческих банков, разработка программ аудита, а также важность аудита в устранении проблемных кредитов. Освещены вопросы аудита кредитного портфеля по аналитическим частям, проблемные кредиты и методы повышения роли аудита в их устранении.

**Ключевые слова:** Банк, аудит, кредит, кредитный портфель, риск, актив, ликвидность, проблемный кредит, мониторинг, методы аудита, рентабельность, методы аудита, аудиторское заключение

**Annotation:** The article reflects the need to audit the loan portfolio of commercial banks, the development of audit programs, as well as the importance of audit in

eliminating problem loans. The audit of the loan portfolio by analytical parts, problem loans and methods for increasing the role of audit in their elimination are covered.

**Key words:** Bank, audit, credit, loan portfolio, risk, asset, liquidity, problem credit, monitoring, audit methods, profitability, audit conclusion

**Кириш.** Маълумки тижорат банкларининг кредит операциялари юқори даромадли, шу билан бирга риск даражаси бўйича ҳам юқори бўлган операциялардан ҳисобланади. Кредит портфелини бошқариш тизими банкларда активларни самарали бошқариш, рискларни тўғри баҳолаш билан ўзаро боғлиқ бўлиб кредит сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Кредитлардан самарасиз фойдаланиш миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир қиласди. Кредит операциялари аудити банкда ликвидлилик, риск, рентабеллик мувофиқлигини таъминлаш орқали кредит рискини камайтиришдан иборат.

Бизнинг фикримизча, ушбу салбий таъсирнинг асосий жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кредитларни олиш хажмининг кескин ўсиши ва уларнинг сезиларли қисмини қайтарилимаслиги муомаладаги пул массасининг ўсишига ва товар массаси билан пул массаси ўртасидаги фарқни кенгайишига олиб келади.
2. Халқаро кредитларнинг қайтимаслиги мамлакатнинг ташқи қарзини кўпайишига ва миллий даромаднинг асосий қисмини ташқи қарзни тўлашга сарфлашга олиб келади.
3. Кредитларнинг мақсадли ишлатимаслиги ресурсларнинг тўғри тақсимланмаслиги, маълум соҳаларда ортиқча ресурсларнинг юзага келиши, бозорда нархларнинг ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Марказий банк маълумотларига кўра, 2024 йилнинг март ойида тижорат банкларининг жами кредит қўйилмалари (портфели) қарийб 5,8 трлн сўмга ортиб, унинг миқдори 478,2 трлн сўмга етган. Март ойида кредит портфели давлат банкларида 4,2 трлн сўмга, бошқа банкларда эса қарийб 1,6 трлн сўмга кўпайган. Март ойида муаммоли кредитлар ҳажми 750 млрд сўмга кўпайиб, унинг жами миқдори 21,6 трлн сўмдан ортган, кредит портфелидаги улуши эса 4,5 фоизга етган<sup>1</sup>. Ушбу маълумотлардан кўринадики, банкларнинг кредит портфелининг ўсиши билан бирга муаммоли кредитларнинг миқдори ҳам ўсиши кузатилмоқда. Бу эса кредит операцияларинг, жумладан кредит портфели аудитининг долзарблигини билдиради дейишимиз мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқотда диалектик мантиқ, илмий билиш, индукция ва дедукция, таққослаш, иқтисодий-статистик ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш усулларидан шунингдек, мавзуга оид хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан фойдаланилди

<sup>1</sup> <https://bankers.uz/news/1466>

## Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Ю.И.Акулич, Г.В.Писаренколарнинг “Банковский аудит” китобида кредит портфели – бу маълум санага кредит қарзи хисобвараклар бўйича қолдиқлар тўплами бўлиб, улар кредит турлари, қарз олувчилар таркиби ва бошқа турли белгиларига кўра гурухланган бўлади. Банкларда активларнинг салмоқли қисмини кредитлар ташкил қиласланлиги эса кредит портфели аудитини муҳимлигини оширади деб айтиб ўтилади<sup>2</sup>.

Денис Шевчукнинг “Банковский аудит” китобида банк кредит портфели аудити банк аудитининг муҳим қисми эканлиги келтирилади. Банкларда кредит операцияларини ташкил қилишда уларнинг рисклилик, рентабеллик кўрсаткичларига аҳамият бериш кераклиги, кредит портфели аудитида аудит методларини оптималлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этади<sup>3</sup>.

Аброкова Л.С. кредит портфелининг сифатини аниқлашди унинг тўғридан-тўғри таъсир қилувчи мезонлар тўпламидан келиб чиқиш керак: риск даражаси ва тури, ликвидлик даражаси, рентабеллик даражаси ва ҳк. Бу меъзонлар эса маълум шартлар асосида ўзгариши мумкин дейди<sup>4</sup>.

Шу билар бирга, мамлакатимиз олимларидан М.Ядгарова, Р.Қурбонов кредит портфели аудити муҳимлиги тўғрисида фикр билдиради. “Банк аудити” дарслигига кредит портфели аудити Марказий банкнинг меъёрий хужжатларига ва бевосита тижорат банкининг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилади. Банк кредит портфели аудитининг асосий мақсади кредит операцияларини амалга оширишда ички назорат тизимишининг ишончлилигини баҳолашдир. Банкларда банкнинг кредит портфелини аудит қилиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу асосан кредит портфелининг умумий таҳлили, кредит папкаларни ўрганиш, кредит қўмитаси, кредит операциялари бўлими аудитини ўз ичига олади. Банк активлари миқдори ва таваккалчилик даражаси, банк операциялари хусусияти ва кўлами ҳамда банкнинг ташкилий тузилишидан келиб чиқиб ички аудит хизмати ходимларининг сони шакллантирилиши лозим дейилади<sup>5</sup>.

Р.Қурбонов А.Рахимовлар “Банк назорати ва таҳилили” дарслигига кредит портфелига алоҳида тўхталган. Тижорат банкларининг кредит портфелига кредит портфелининг сифат қўрсаткичи орқали баҳо берилади. Кредит портфелининг сифати- банк балансининг ликвидлиги ва мумкин бўлган даражадаги кредит риски шароитида максимал даромадни таъминлаб берадиган кредит портфели таркибини ифодалайди. Кредит портфелининг сифатининг паст бўлиши

<sup>2</sup> Акулич Ю.И., Г.В.Писаренко Г.В.. Банковский аудит. Минск 2016. Стр. 67

<sup>3</sup> Дмитрий Шевчук. Банковский аудит. Москва. 2019г. Стр. 123

<sup>4</sup> Аброкова Л.С. “Международная практика оценки качества кредитного портфеля банка и возможности ее использования в отечественной практике”. “Экономика и социум” №4. 2015г.

<sup>5</sup> М.Ядгарова, Р.Қурбонов “Банк аудити” Дарслик. ТМИ.Тошкент. 2019 й.

банкларнинг зарар кўриб ишлашининг асосий омилидир<sup>6</sup> деб келтирилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Тижорат банклари кредит портфели аудити Марказий банкнинг меъёрий хужжатларига ва бевосита тижорат банкининг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилади.

Тижорат банки кредит фаолиятини ташкил қилиш банк Кенгаши томонидан тасдиқланган кредит сиёсатига асосан амалга оширилади. Халқаро банк амалиётида банкнинг кредит операциялари учун умумий жавобгарлик банк директорлар кенгашига юкланди. Директорлар кенгаши кредит сиёсатини бевосита амалга ошириш билан боғлиқ функцияларни банкнинг қуий бошқарув органлари зиммасига юклайди ва кредит сиёсатининг умумий тамойиллари ва чекловларини шакллантиради.

Тижорат банклари кредит амалиётининг ва кредит сиёсатининг аудити. Тижорат банклари кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқарилади ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Марказий банкнинг 2021 йил 31 августдаги 20/8-сонли «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан кўйиладиган талаблар тўғрисидаги”ги низомига асосан банклар кредит операцияларини ташкил қиласди. Банк активлари миқдори ва таваккалчилик даражаси, банк операциялари хусусияти ва кўлами ҳамда банкнинг ташкилий тузилишидан келиб чиқиб ички аудит хизмати ходимларининг сони шакллантирилиши лозим.<sup>7</sup>

Кредит сиёсати қанчалик тўғри ва оқилона ташкил этилган бўлса шунчалик банк даромадлиги даражаси ошиши мумкин. Чунки банк даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини кредитлар эгаллайди. Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича умумий қоида ва тамойилларнинг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари – кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади. Банклар кредит портфелининг соғломлигини ошириш, берилган кредитлар ва лизинг хизматларининг ўз вақтида ундирилиши устидан доимий мониторинг ўрнатиши лозим. Бундан ташқари, келгусида вужудга келиши мумкин бўлган потенциал муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш ва улар билан алоҳида ишлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Банкларда банкнинг кредит фаолиятини аудит қилиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги беш бўлимдан иборат:

<sup>6</sup> Курбонов Р., Рахимов А. Банк назорати ва таҳлили. Дарслик. Тошкент 2021 й.

<sup>7</sup> Тижорат банкларининг ички адитига кўйиладиган талаблар тўғрисида низом. МБ.07.05.2021й №3302

- Кредит портфелининг умумий таҳлили.
  - Кредит папкаларни ўрганиш.
  - Кредит операциялари бўлими фаолияти.
  - Кредит қўмитаси фаолияти.
  - Кредит фаолияти текширувлари бўйича аудиторлик хulosаси
- Кредит портфели бўйича қуидагилар аудитдан ўтказилиди:
- кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг маҳсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби;
  - ажратилган кредитлар бўйича хужжатларни тўликлиги, кредит қайтарилиш ҳолатда хужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши;
  - кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби;
  - кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши;
  - муддати ўтказиб юборилган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби;
  - муаммоли кредитларни ундириш бўйича банқда олиб борилаётган ишларни кўриш;
  - хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича хулоса ва тавсиялар бериш.

### *1-жадвал*

### **Банкларда кредит портфели аудитининг асосий босқичлари<sup>8</sup>**

№	Таҳлил қисмлари	Маълумотларни аниқроқ очиб берилиши
1	Кредитларнинг бўйича таҳлили ҳолати	Жорий, муддати ўтган, муддати узайтирилган, суддаги кредитлар, ўсиб бормайдиган мақомидаги кредитлар, ҳисобдан чиқарилган кредитлар.
2	Кредитларнинг муддати бўйича таҳлили	Қисқа муддатли, узоқ муддатли, овердрафт.
3	Иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлили	Саноат, қишлоқ хўжалик, кичик бизнес, савдо, давлат дастурлари, микроқарз, истеъмол кредитлари.
4	Фоиз ставкалари бўйича таҳлили	Имтиёзли, қайта молиялаш фоизида, тижорат.
5	Таъминот тури бўйича таҳлили	Ишончли кредитлар, мулк гарови, учинчи шахс кафолати, кафолатланган кредитлар.
6	Кредит сифати таҳлили	Стандарт, субстандарт, қоникарсиз, шубҳали, умидсиз.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

7	Кредитларнинг манбаси бўйича таҳлили	Банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар.
8	Кредитларнинг мақсади бўйича таҳлили	Тижорат, айланма маблағларни тўлдириш.
9	Аудит қилиш даврида кредитларнинг ўзгариши динамикасининг таҳлили	Кредитлаш ҳажмининг ошиши ёки камайиши, муаммоли кредитларнинг улуши ва улар билан ишлаш самарадорлигининг, захира суммасининг, кредит активлари рентабеллигининг ўсиши ёки пасайиши.

Банк кредит портфелини шакллантиришда уларнинг муддатларига хам алохида эътибор қаратилади.

Аудит хизмати кредит портфели адитида қуийдагиларни мустақил таҳлил қилиши ва баҳолаши лозим:

- Банк таваккалчиликларини бошқариш, активларни самарали бошқаришни тўғри йўлга қўйилганлиги;
- Банк олдига қўйилган мақсадларга эришишда банк бизнес жараёнлари, маъмурий ва операцион жараёнларнинг самарадорлигини;
- Кредит портфелининг банк томонидан ишлаб чиқилган кредит сиёсатига мослиги;
- Кредит портфелининг диферсификация даражаси;
- Банк томонидан ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилганлиги мониторинги;
- Кредитларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича гурухланиши ва захира шакллантирилганлиги<sup>9</sup>;
- Муаммоли кредитлар бўйича амалга оширилган ишлар.

Кредит портфели аудити ўтказилгач аудит томонидан аниқланган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича хулоса ва таклифлар шакллантирилади.

Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг кўпайиши банкларнинг риски ортишига, ликвидлилик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади. Банкларда кредит гурухларидан “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлари муаммоли кредитлар сифатида таснифланади. Барча банкларда активларнинг асосий қисмини кредитлар ташкил қилганлиги кредит операциялари, жумладан кредит портфели аудитини ролини оширади. Муаммоли кредитларнинг ортиши маҳсус захираларнинг ортишига, банк даромадларининг қисқаришига банк рейтингининг тушишга олиб келади.

<sup>9</sup> “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” низом №2696. 10.12.2021 й.

Кредит операцияларидан келаётган фойда ҳажмининг қисқариши туфайли моддий рафбатлантиришларнинг камайиши натижасида банкнинг малакали кадрлардан маҳрум бўлиш, тижорат банкларининг кредит бўлимлари томонидан алоҳида эътибор ва назоратни талаб этилиши сабабли банк маъмурий харажатларининг ортиб кетишига олиб келади.

## 2-жадвал

### Айрим тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2024 й 1 февраль ҳолатига маълумот<sup>10</sup>

№	Банк номи	Кредит портфели	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларниң жами кредитлардаги улуши	Муаммоли кредит ўзгариши (ўтган ойга нисбатан)	Муаммоли кредитлар улушининг ўзгариши (ўтган ойга нисбатан)
	<b>Жами</b>	<b>469 600</b>	<b>20 014</b>	<b>4,30%</b>	<b>3 393</b>	<b>0.80%</b>
	Давлат улуши мавжуд банклар	329 591	15 413	4,70%	2151	0,70%
1	Узмиллийбанк	97 672	3 520	3,60%	422	0.50%
2	Узсаноаткурилишбанк	56 746	2 189	3,90%	906	1,70%
3	Агробанк	54 350	2 045	3,80%	-26	0,00%
4	Асака банк	38 678	1 840	4,80%	109	0,40%
5	Халк банки	24 314	1 848	7,60%	-7	0,00%
6	Бизнесни ривожлантириш банки	21 529	2 358	11,00%	423	2,10%
7	Микрокредитбанк	14 260	888	6,20%	23	0,20%
8	Алока банк	10 150	429	4,20%	272	2,70%
	<b>Бошқа банклар</b>	<b>140 009</b>	<b>4 596</b>	<b>3,30%</b>	<b>1 242</b>	<b>0,90%</b>
1	Ипотека банк	37 893	2 769	7,30%	1 036	2,60%
2	Тенге банк	3 989	128	3,20%	19	0,60%
3	Зираат банк	1 558	54	3,50%	18	1,30%
4	Гарант банк	892	70	7,90%	27	3,20%
5	Мадад инвест банк	289	81	28,00%	42	14,80%
6	Октобанк	147	110	75,00%	-102	-10,20%
7	Эрон Содерот банк	20	4	18,90%	0	1,30%

Жадвалда республикамиздаги банклардан муаммоли кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 3 фоиздан ошиш қўрсаткичига эга бўлган банклар келтирилган

Жорий йил февралда январь ойига нисбатан тижорат банклари кредит

<sup>10</sup> <https://bankers.uz/>

портфели 1,8 трлн. сўмга камайган<sup>11</sup>. Муаммоли кредитлар борасида давлат улуши мавжуд банклар кўрсаткичлари умумий 3 фоизга яхшиланиб 77 фоизни ташкил этган бўлса, ўз навбатида бошқа банкларнинг муаммоли кредитлари қолдиги 3 фоизга ошиб, жами муаммоли кредитларнинг 23 фоизини ташкил этган. Давлат улуши мавжуд банклардан Ўзмиллийбанк, Ўзсаноаткурилишбанк, Асакабанк, Бизнесни ривожлантириш банки, Микрокредитбанк, Турон банк ва Алоқа банкларда муаммоли кредитлар улуши ўтган ойга нисбатан қўпайган. Бошқа банклардан эса, Ипотека-банқ, Капиталбанқ, Ҳамкорбанқ, Ипак йўли банқ, Тенге банқ, Азия альянс банк, Зираат банк, Гарант банк ва Мадад инвест банкларда ҳам муаммоли кредитлар улуши ошган. Халқ банк, Бизнесни ривожлантириш банки, Асакабанк, Микрокредитбанк, Ипотека банк, Гарант банк, Мадад инвест банк Октобанқ, Эрон Содерот банкларнинг муаммоли кредитлар улуши республика даражасидан юқори.

Шу ўринда банкларда ички аудитнинг ўрни, унинг нақадар муҳимлигини келтириб ўтиш лозим. Сифатли ташкил этилган аудит жараёнлари банкларда бир канча муаммоларни олдини олиши, банк кенгашини шаффоф, холис, малакали текширув натижалари бўйича маълумотларни етказилишида ўрни алоҳида. Қуйида ички аудитни ташкил этилишида келтирилган ваколатларни кўришимиз мумкин.

Ички аудит хизмати ходимлари текширув ўтказиш жараёнида қуйидаги ваколатларга эгадирлар<sup>12</sup>:

- Банк бошқарувидан ва ходимлардан аудиторлик далиллари хисобланган барча зарурий ҳисботлар, таҳлиллар, баённома, ёзувлар, маълумотларни электрон ёки қофоз кўринишида талаб қилиш;
- Аудиторлик текшируvida вужудга келган саволлар бўйича банк бошқаруви ва ходимларидан ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олиш;
- Зарур ҳолларда ҳужжатларнинг асл нусхаларини белгиланган тартибда олиш;
- Кредит мониторинги, гаров ҳолати тўғрисидаги маълумотларни талаб қилиш;
- Аудиторлик текшируvi ўтказилганидан сўнг аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш.

### **Хуносা.**

Тижорат банклари кредит портфелини тўғри ташкил этиш ва ундан оқилона фойдаланиш учун қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

- кредитлар бўйича риск даражаси;

<sup>11</sup> <https://bankers.uz/>

<sup>12</sup> Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом. 07.05.2021й №3302

- кредитдан фойдаланиш муддати ;
- кредит қайтарилиш муддати узайтирилиши ;
- кредит ҳажми ва унинг таъминланганлиги;
- мижознинг молиявий ҳолати, унинг мулк шакли;
- мамлакат иқтисодиётидаги шарт-шароитлар ўзгариши;
- инфляция даражаси.

Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг кўпайиши банкларнинг риски ортишига, ликвидлилик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келмоқда. Банкларда “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” гуруҳ кредитлари салмоғининг ортишига маҳсус захираларнинг ортиши, банк даромадларининг қисқаришига банк рейтингининг тушишга олиб келади. Барча банкларда активларнинг асосий қисмини кредитлар эгаллаганлиги кредит операциялари, жумладан кредит портфели аудитини ролини оширади.

Аудиторлик гурухи аъзолари ўртасида аудит усуслари, муддатлари бўйича масъулият тақсимоти бўлиши керак.

Аудиторлар банк бошқаруви ва кредит бўлимларидан мустақил бўлиши керак. Бу уларга кредитлаш сиёсати ва тартиблари билан танишиб, кредит рискларини холисона баҳолаш, кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилишини хаққоний баҳолаш ва муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Банк томонидан берилган барча кредитлар ҳақида маълумот тўплаш лозим. Ишламайдиган кредитлар, юқори рискли кредитлар ва бошқалар каби потенциал муаммоларни аниқлаш учун ушбу маълумотни таҳлил қилиш зарур.

Муаммоли кредитларга, уларни ортиши кузатилиши билан тегишли чораларни кўриш лозим. Мунтазам равишда кредит мониторингини ўтказиш, жойига чиқиб кредитнинг мақсадли ишлатилганлиги, гаров ҳолатини ўрганиш ҳам муаммоли кредитларни олдини олиш имконини яратади.

Банкнинг кредит рискларини бошқариш тизимини баҳолаш керак. Банк кредит рискларини қандай бошқаришини таҳлил қилиш, қарз оловчилар мониторинги тизимлари ва захираларни шакллантириш тартиблари каби омилларни баҳолаш киради.

Аудит ҳисботида амалга оширилган аудит процедуралари тавсифи, аниқланган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бўлиши керак. Аудит ҳисботини банк раҳбариятига тақдим этиш, натижা ва тавсияларни банк раҳбарияти билан муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Аудитор тавсияларнинг бажарилишини назоратга олиши лозим. Банк раҳбарияти тавсияларни амалга ошириш учун чора қўраётганига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Замонавий аудит усусларидан фойдаланиш. Ушбу усуслар автоматлаштирилган аудит воситаларини, таҳлилий жараёнларни ва

маълумотларга асосланган тестларни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда технология ривожланиши ва банк мухитининг ўзгариши натижасида аудиторларга кредит рискларини янада самаралироқ баҳолаш ва муаммоларни аниқлаш имкони пайдо бўлмоқда. Аудит маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун булатли платформалардан фойдаланиш имконияти аудиторларга дунёнинг исталган нуктасидан маълумотлар билан ишлаш имконини ва аудиторлик гурухининг барча аъзоларига улардан фойдаланиш имкониятини беради.

Юқорида келтирилган тавсияларга амал қилиш орқали банкнинг кредит портфели аудити самарадорлигини ошириш ва кредит рискларини бошқариш сифатини ошириш мумкин.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Акулич Ю.И., Г.В.Писаренко Г.В.. Банковский аудит. Минск 2016. Стр. 67
2. Аброкова Л.С. “Международная практика оценки качества кредитного портфеля банка и возможности ее использования в отечественной практике”. “Экономика и социум” №4. 2015г.
3. Дмитрий Шевчук. Банковский аудит. Москва. 2019г. Стр. 123
4. Ядгарова М, Курбонов Р. “Банк аудити” Дарслик. ТМИ.2019 й.
5. Курбонов Р., Рахимов А. Банк назорати ва таҳлили. Дарслик. Тошкент 2021 й.
6. Kurbanov, R. B., & Asirarov, R. Z. (2022). The role of the bank's initial public offering in increasing the capitalization of commercial banks. Asian Journal of Research in Banking and Finance, 12(4), 30-36.
7. Руденко А.Д., Самсонова И.А. Совершенствование методов управления кредитным портфелем коммерческого банка // Актуальные вопросы современной экономики. 2020. № 4. С. 481-486.
8. Gurny P. Comparison of Credit Scoring models on probability of default estimation of US Banks // Prague Economic papers. — 2012 - No2 — p.163-180. URL:<https://www.researchgate.net/publication/287898960>
9. Kurbanov, R. B. (2017). The role of deposits in strengthening the resource base of commercial banks. Экономика и бизнес: теория и практика, (4-2), 51-54.
10. Kurbonov PhD, R. (2021). Analysis of efficiency indicators of private banks activity. International Finance and Accounting, 2021(1), 11.
11. Thomas L.C., Edelman D.V., Crook J.N. Credit scoring and its application // USA: SIAMP, 2020 - 248 p. URL:<https://books.google.ru/books?id=GMWcWuBDJZUC&hl=ru/> 14.01.2023.
12. Тижорат банкларининг ички адитига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом. МБ.07.05.2021й №3302
13. “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” низом №2696. 10.12.2021 й.
14. “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом. 31.08.2021 й.
15. <https://bankers.uz/>